

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти

«Давлат кадастрлари» кафедраси

«Ер ресурсларини бошқариш» фани

ЕР ФОНДИНИ ТАРМОҚЛАРАРО ВА ТАРМОҚ ИЧИДАГИ ТАҚСИМОТИ

Тошкент - 2018

Мавзу: Ер фондини тармоқлараро ва тармоқ ичидаги тақсимоти (2-дарс)



Режа:

1. Ер фондининг тармоқлараро тақсимотининг вазифалари.
2. Тармоқлар ичида ер ажратиш ва ердан фойдаланиш.
3. Ер фонди тақсимотида – ер тузишнинг роли.

Адабиётлар:

1. Рахмонов Қ.Р. Ер ресурсларини бошқариш. Ўқув қуланма. ТИМИ, Тошкент, 2008.
2. Рахмонов Қ.Р., Бобожонов А.Р, Гофиров А.Ж. Ер кадастри. Дарслик. Тошкент ТИМИ, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», Т., «Адолат», 1998
4. “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот”. “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси, 2014 йил.




Сўз боши

Истиклол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётининг манбаи бўлган “Ер” устувор аҳамиятга эга бўлиб, халқимизнинг турмуш фаровонлиги, дастурхонимиз файзи бевосита “Ер” билан боғлиқ бўлган соҳанинг тараққиёти, тармоқ истиқболига боғлиқдир.

Республикаимиз иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш жараёнида давлат ер фонди таркибида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Халқ хўжалик тармоқлари маълум ер майдонисиз ривожланиши мумкин эмаслигини ҳисобга олган ҳолда илмий техника тараққиёти, унинг кўлами ва ишлаб чиқаришдаги тадбиқ даражаси ер фонди таркибига ҳамда ўзаро салмоғига катта таъсир этишини эътироф этиш керак.



Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги
А.Темур номли массив ер турларининг
амалдаги жойлашув
ТАРХИ



- Фермер хўжалиқларининг ер майдонлари chegarаси ва номерларининг
- Бошқа кишлоқ хўжалиқ корхоналарининг ер майдонлари chegarаси ва номерларининг
- Таркибий турини туман ҳокими таърифлаган кишлоқ хўжалиқ ерлари
- Тупрок айирмалари ва баъзи бонкетларини
- Суғориладиган экин ерлар
- Лаҳми экин ерлар
- Маъжуа боғлар
- Янгида экилган боғлар
- Маъжуа тоқорлар
- Янгида экилган тоқорлар
- Маъжуа туптор
- Янгида экилган тупторлар
- Бошқа кўп ёиллик даракторлар
- Янгида экилган кўп ёиллик даракторлар
- Ёғи ерлар
- Яёноқлар
- Ўтлоқлар
- Томорча ерлар
- Маъжуа теракторлар
- Янгида экилган теракторлар
- Мемориаллик тайёргарлик босқичидаги ерлар
- Холати ёмон ерлар
- Кишлоқ хўжалиқидан фойдаланмайдиган бошқа ерлар

Чегарадош ерлар изоҳномаси:
А дан Б гача Пастдаргом тумани ерлари
Б дан В гача "Жом" массиви ерлари
В дан Г гача "Улус" массиви ерлари
Г дан А гача "Каптакўрғон" массиви ерлари



Битирув маълумий иши 2017 йил		Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги А.Темур номли массиви	
БМНга ётуви		болсаки	варрак
Райбир		ТАРХИ	Мисъёс 1:10000 ТИММ, ЕФ ва ЕК фойдаланиши.

Ер тармоқлараро ва тармоқ ичидаги тақсимотининг умумий тамойиллари

Илмий техника тараққиёти таъсирида тармоқлар ривожланиши натижаси ҳам ер фонди тақсимотига турлича таъсир этади.

Айрим тармоқларда илмий техника тараққиёти ер мулк салоҳиятига бўлган талаб камаяди.

Ер мулк салоҳиятининг чегараланганлигини ҳисобга олсак, бир тармоқдаги ер майдонига бўлган талаб албатта бошқа тармоқлар банд қилган майдонлар ҳажмига таъсир этади. Демак, ер мулк салоҳиятида доимо ўзгаришлар бўлади ва бу жараён маълум қонуниятларга бўйсинади.

Ўзбекистон Республикасида ер муносабатларини ривожлантириш ва ер ресурсларини бошқаришда ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ қуйидаги муаммоларни келтириш мумкин:

- ✓ тупроқнинг шамол ва сув эрозияси, уларнинг ботқоқланиши, емирилиши, қурғоқланиши, шўрланишининг кенг тарқалиши;
- ✓ қишлоқ хўжалиги ерларининг ишлаб чиқаришдан чиқиб қолиши ёки бузилган ва рекултивацияланмаган ерларнинг кўпайиши;
- ✓ қишлоқ хўжалигида ерларнинг пестицид, саноат ишлаб чиқаришининг зарарли унсурлари билан ифлосланиши ҳолатлари, ерларнинг бузилиши ҳолатлари ошиши, бу эса уларнинг бошқа ер тоифасига ўтказишни ёки қайта тиклашни талаб этади;
- ✓ ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш борасидаги ер қонунчилиги талабларини бузиш жараёни мавжудлиги.

Ер ресурсларини бошқаришда ер фондининг тармоқлараро тақсимотида қуйидаги вазифаларни бажариш муҳим ҳисобланади:

1. Ер муносабатларини ривожлантириш қонуниятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида бу жараёни узлуксиз такомиллаштириб бориш;
2. Ҳозирги давр ва истиқбол учун ишлаб чиқариш кучларининг жойлашувини илмий-услубий жиҳатдан асосланган энг қулай шароитлар яратиш;
3. Ер фонди, ер тоифалари, халқ хўжалик тармоқлари, ердан фойдаланувчилар ва ер турлари бўйича тақсимотини давр ва ҳудудий шарт - шароитларни ҳисобга олган ҳолда мутаносиб ҳолда таъминлаш;
4. Ер ресурсларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқишини ва тупроқ унумдорлигини узлуксиз иқтисодий ўсишини таъминлаш;
5. Ҳар бир ер участкасидан самарали фойдаланиш учун иқтисодий ва экологик замин яратиш;
6. Ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларининг мутаносиблигини таъминлаш.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қуйидагиларга берилади:

1) қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига - товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиши учун;

2) тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий-тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотларига - илмий-тадқиқот ва таълим мақсадлари, товар қишлоқ хўжалигини юритиши ва илгор тажрибани тарғиб қилиши учун;

3) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига - фермер хўжалиklarини юритиши учун;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига - деҳқон хўжалиklarини, якка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиши учун;

5) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига - жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги учун;

б) қишлоқ хўжалиги билан шугулланмайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга - ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиши учун.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалигини юритиши, шунингдек ўзга мақсадлар учун берилиши мумкин.

Шаҳарлар ва посёлкаларнинг маъмурий чегараларидаги барча ерлар шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерлари жумласига киради. Бу ерлар таркибига қуйидагилар киради:

- 1) шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари;*
- 2) умумий фойдаланишдаги ерлар;*
- 3) қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ва бошқа ерлар;*
- 4) дарахтзорлар эгаллаган ерлар;*
- 5) саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;*
- 6) алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари;*
- 7) сув фонди ерлари;*
- 8) захира ерлар.*

Аҳоли пунктларининг чегараси - шаҳар, посёлка, қишлоқ аҳоли пункти ерларининг ташқи чегаралари бўлиб, улар ана шу ерларни бошқа ерлардан ажратиб туради.

Аҳоли пунктларининг чегарасини белгилаш тасдиқланган шаҳарсозлик ва ер тузиш ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Аҳоли пунктларининг чегараси юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларининг чегаралари бўйича белгиланиши лозим.

Шаҳар атрофи зоналари шаҳар билан ягона ижтимоий, табиий ва хўжалик ҳудудини ташкил этувчи шаҳар чегарасидан ташқаридаги ерларни ўз ичига олади. Шаҳар атрофи зоналарида шаҳар атрофидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳудуди, аҳоли дам олиш зоналари, шаҳарни ривожлантириш учун захира ерлар ажратилади

Саноат, транспорт, алоқа ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг корхоналари, муассасалари ва ташилотлари ўзлари фойдаланмаётган ерларни туман ва шаҳар ҳокимларининг қарорига биноан қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ва шартларда юридик ва жисмоний шахсларга вақтинча фойдаланишга берадилар.

Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа корхоналарига ер участкалари фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 23-моддасида белгиланган тартибда доимий эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида берилади .

Бунда ер участкалари тегишли корхоналарга маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ер қонунчилигида белгиланган тартибда ажратиб берилади.

Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи Ер кодексининг 31-моддасида назарда тутилган асосларда вужудга келади. Тегишли корхоналарнинг ер участкасига доимий эгаллик қилиш ҳуқуқи эса ушбу ҳуқуқни берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари жумласига қуйидагилар киради:

- 1) табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар;*
- 2) соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар;*
- 3) рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар;*
- 4) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар.*

“Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерларининг ҳуқуқий тартибга солиниши катта аҳамиятга эга. Мамлакатимиздаги ушбу категория ерлари экологик, илмий, маданий, эстетик, соғломлаштириш ва муҳофаза этиш аҳамиятига эга бўлиб, 202,3 минг гектарни ташкил этади.

Мазкур категория ерлари асосан берилиши мумкин бўлиб, у асосан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади. “Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари”, асосан : экологик-социал мақсадларда, яъни, табиат бойликларини кўпаётириш ва уларни тиклаш, соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларни муҳофаза қилишга, улардан оқилона фойдаланишга ва ҳар доим тиклаб боришга қаратилгандир.

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар (овчиликка мўлжалланган ерлар бундан мустасно), табиат ёдгорликларининг белгиланган тартибда корхоналар, муассасалари ва ташкилотларга махсус мақсадлар учун берилган ерлари киради. Мазкур ерларда уларнинг белгиланган мақсадига зид бўлган фаолият тақиқланади.

Давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари заказниклар (овчиликка мўлжалланган ерлар бундан мустасно), табиат ёдгорликлари режимини таъминлаш учун муҳофаза зоналари таъсис этилиб, ушбу зоналарнинг ерларида уларнинг режимиغا риоя этилишини таъминлашга зарарли таъсир этадиган фаолият тақиқлаб қўйилади.

Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар жумласига тарихий-маданий қўриқхоналар, мемориал боғлар, мазорлар, археология, тарих ва маданият ёдгорликларининг тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган ерлари киради. Бу ерларда уларнинг белгиланган мақсадига зид бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Тарих ва маданият ёдгорликлари атрофида муҳофаза зоналари ва бинолар қуришни тартибга солиш зоналари белгиланади.

~~Ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар ўрмон фонди ерлари деб эътироф этилади.~~

Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ўрмонзорлар барпо этиш, жарликларнинг кенгайишини тўхтатиш, шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида ихота ўрмонзорлар ва кўкаламзор зоналар яратиш учун белгиланган тартибда ўрмон фонди ерлари таркибига ўтказилиши мумкин.

Туман ҳокими ўрмон хўжалиги давлат органлари билан келишиб, ўрмон фонди ерларини қишлоқ хўжалиги юритиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига вақтинча фойдаланишга ижара шартлари асосида бериши мумкин.

Сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва шу кабилар), гидротехника ва бошқса сув хўжсалиги иншоотлари эгаллаб турган, шунингдек сув ҳавзаларининг ва бошқа сув объектларининг қиргоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги сув хўжсалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар сув фонди ерлари жумласига киради.

Дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг, шунингдек ичимлик ва рўзгор сув таъминоти, аҳолининг даволаш ҳамда маданий-соғломлаштириши эҳтиёжларига хизмат қиладиган манбалар қиргоғи бўйлаб қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда сувни муҳофаза қилиши зоналари ва қиргоқбўйи минтақалари ажратилади.

Дарёлар, магистрал каналлар, коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг қиргоқбўйи минтақалари табиатни муҳофаза қилиши эҳтиёжлари учун ер эгаларидан ва ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилиши мумкин.

Сув фонди ерларида сув объектларига салбий таъсир кўрсатадиган хўжсалик фаолияти юритиши ва қурилиши ишлари олиб бориши тақиқланади.

Юридик ва жисмоний шахслар эгаллигига ҳамда фойдаланишига, ижарага берилмаган, мулк этиб реализация қилинмаган барча ерлар захира ерлардир. Бундай ерлар жумласига эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи Ер кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилинган ерлар ҳам киради.

Захира ерлар туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлади ва ушбу Кодексга мувофиқ асосан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун эгаллик қилишига, фойдаланишига ва ижарага беришига мўлжалланади.

Ер фонди тақсимотида – ер тузишнинг роли

Ер тузиш - ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишга, қулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузишнинг ҳудудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади (Ер кодекси, 12-модда).

Ер тузиш қуйидаги турларда амалга оширилади:

- **истиқболга мўлжалланган (лойиҳалаш олдидан) ер тузиш**, яъни ерларнинг ҳолатини ўрганиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни ташкил этишни режалаштириш;
- **хўжаликлараро ер тузиш**, бундай турдаги ер тузиш ишлари натижасида янги объектлар ҳосил бўлади ёки мавжудлари тартибга солинади, уларнинг чегаралари жойида белгиланади;
- **ички хўжалик ер тузиш**, бунда юридик ва жисмоний шахслар томонидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг амалга оширилиши учун ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ишлари ташкиллаштирилади.

Умумдавлат ер тузиш ишлари

Умумдавлат ер тузиш ишлари амалга оширилганда:

- ❑ ер ҳудудларининг асосий мақсадий фойдаланиш кўрсаткичлари аниқланади;
- ❑ ер захираларидан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг катта ҳудудий, мажмуа режалари ишлаб чиқилади;
- ❑ вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли жойларида ердан фойдаланишнинг бош алоҳида-алоҳида самарали усуллари ишлаб чиқилади ёки режалаштирилади ва истиқболлари белгиланади;
- ❑ ерларни яхшилаш (мелиорация қилиш), қайта тиклаш (рекультивация қилиш), сув ва шамол емиришига қарши кураш мақсадли дастурлари ишлаб чиқилади.

Умумдавлат миқийёсида ер тузиш олиб борилганда тармоқлараро ерларни тақсимлашнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли режалари ва истиқболлари илмий асосларда ишлаб чиқилади.

Бунда халқ хўжалиги тармоқларининг ер захираларига бўлган келгуси талаблари чамаланади, фойдаланилмаётган ва ёмон фойдаланилаётган ерлар аниқланади.

Умумдавлат ер тузиш ишларида амалга ошириладиган тадбирларнинг ҳаммаси ердан фойдаланишнинг бош (худудий) схемаларида ҳамда дастурларда ўз аксини топади.

Ер тузиш тармоқ ва идора бўйича амалга оширилганда ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга ер участкаларини бириктириб бериш жараёни ва ердан фойдаланувчилар ва ер эгалари ихтиёрида бўлган ерларнинг унумдорлигини ошириш, яхшилаш ва муҳофаза қилиш, экологик ҳолатини яхшилашни таъминлашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилади.

Эътиборларингиз
учун раҳмат !
